Комил Хоразмий таржимон сифатида ҳам машҳурдир. Жумладан, ХУШ аср ёзувчиларидан Бархурдор бин Маҳмур Туркман Фароқийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси») асари ва Сайфийнинг «Лаотиф ат-тафониф» номли асарларини форсчадан таржима қилган. Ҳаттотлик соҳасида

Муҳамад Паноҳ, Муҳаммад Шариф Тарро, Ҳудойберган
Мухрикон каби шогирдларни тарбиялаб етиштириди.

Комил Хоразмийнинг Хоразм классик мусиқа санъатини ривожлаптиришда ҳам катта хизматлари бор. Хоразм адабий муҳитида Комил Хоразмийнинг севимли фарзанди истеъодли шоир, етук бастакор, моҳир таржимон ва ҳаттот Муҳаммад Расул Палвонниёз ўғли Мирзо (1840—1923 й.) нинг алоҳида хизматлари бор. Мирзо саройида мирзабошилик лавозимида бўлган. Унинг «Маргибин нозигин» девони бизгача етиб келган. Девонда унинг газаллари, Муҳаммас, мусаддас ва маснавийлари жой олган. Мирзо Навоий, Мунис ва Оғаҳий асарларидан илҳом олган. Унинг газалларida инсонни улугловчи ва маънавий камолатга етакловчи илгор фалсафий гоялар етакчи ўринни ишғол қиласи. Ташибий ўзининг «Мажмуа туш шуора» тазкирасида Муҳаммад Расул Мирзонинг ижодий фаолиятига юксак баҳо берган.

Мирзо Хоразм мусиқа санъати ривожига ҳам алоҳида ҳисса қўшган алломалардан. У падарибузрингори Комил Хоразмийнинг ихтиро қилган «Танбур чизиги» нотасини такомилига етказган. Хоразм мақомларини муайян системага келтирган ва мусиқа санъатида Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз)га устоzlик қилган. Мирзо шу билан бирга араб, форс ва озарбайжон тилларидаги кўпгина асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний ҳам ўз даврининг етук шоири, бастакор ва маърифатпарвар ҳукмдорларидан эди. У «Феруз» тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ёқимли кўйлар басталаган. Феруз газал, мұхаммас, мусаддас, маснавий, рубоний ва бошқа жанрларда ижод қилган. Унинг шеъриятида газал етакчи ўринни ишғол этган. Феруз газаллари «Газалиёти Феруз», «Баёзи Феруз» тўпламлари орқали етиб келган. Феруз машҳур сарой шоирлари шеърларини тўплатиб, уларни «Баёзий мусаддасий» ва «Баёзий мұхаммасот» тўпламларига жам қилган ва бу тўпламлар тошбосамда яхлит асар сифатида нашр этилган. Шунингдек, у ўз авлодига Мансуб Муродий, Камёб, Оқнл, Гозий, Содиқ, Султоний каби шоирларнинг шеърий асарларини тўплатиб. «Ҳафтти шуора» («Етти шоир») номи билан чоп этириради. Ферузнинг Хоразм мусиқаси санъати соҳасида ҳам алоҳида хизматлари бор.

МУСИҚА ВА МАҚОМ. Шуни таъкидлаш лозимки, мағомчиллик санъати XIX аср Хива хонлиги тарихида мусиқа, бастакорлик, ижрочилик раққослик, достончилик, ҳалфачилик ва санъатнинг бошқа соҳалари юксак тараққиёт босқини эришилган давр бўлди. Хоразмда ва Хивада ана шу соҳаларда истеъодди сиймолар етишиб чиқди. Хоразмининг ўтмиш тарихида мусиқа, бастакорлик, раққослик, бахшичинлик ва масхабабозлик санъати соҳасида эришган ютуқлари эдиллика янги ижодий йўналишларда бойиди ва ривожлантирилади.

Мутахассис олимларнинг, ҳусусан, академик С. П. Толстов ва Я. Ғуломовларнинг таъкидлашича, Хоразмда мусиқа ва ижрочилик санъати узоқ ўтмишга яъни мил. авв. 2 минг йилликка бориб тақалади. Тупроққалъадан археологик текшириш вақтида топилган девордаги қўлига арфа ушлаган созандада аёл расми ҳамда ҳайкалчалар ана шу фикрни тасдиқламоқда. Арфа, танбур, гижак, дўнбира, сурнай, қайроқ ва бошқалар аждодларимизнинг энг қадимги мусиқа асбоблари ҳисобланади. Масхабабозлик дор ўйини, ҳалфачинлик, қўғирчоқ ўйини ва бошқалар ҳам эртадан ривож топган. Мақомчиллик санъати ҳам Хоразмда бошқа Шарқ ҳалқларида бўлганидек эрта шкалланган. Хоразмликлар табиатан ҳам мусиқа санъатига ихлосманд ҳалқ. Уларнинг тўй-томошалари, базм-суҳбатларини, байрмаларини аввал ҳам ҳозирда ҳам мусиқа, ашула ва ўйин ва масхабабозларнисз тасаввур қилиб бўлманди. Бу ҳақда темурийлар тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450 й.) қўйидаги сузлари характерли: «Улар (хоразмликлар) мушоира ва адабиётга иноят қўйганлар. Ҳусусан, мусиқа ва нагмалар илмida ажиб ашёлар яратгандар. Бу борада уларда ҳар бир хосу авом иштирок этади». (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-кинот.—Тош., 1982, 87-88-бетлар).

Хоразмда мусиқа санъати ҳам унинг тарихи каби ўз бошидан юксалиш ва турғунлик даврларини кечирди. IX—X асрлар Хоразмда маданий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби мусиқа ва ижрочилик санъатининг юксалиш даври бўлди. Бу ҳақда Ибн ал-Асир, Ҷекут, Ибн-Руста ва бошқа муаллифлар асарларида ҳам сўз юритилади. Масалан, Ҷекут ўз асарида «Журжония эли (Хоразм)» ўз мақомларини бенинди қадрлайди. Мамлакат пойтахти Гурганжда мусиқа асбоблари ясад тирнкчилик қиласидаган маҳаллаларни ўз кўзим

билан курганман» деб ёзган эди. Ибн Сино, аал-Қандий ва Чагминийлар мусиқа санъатининг ривожига жуда катта ҳисса қўшганлар. Буюк хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври (XII—XIII асрлар) ҳам Хоразмда мусиқа ва ижрочилик санъатининг тараққий этган даври бўлди. 1923 йилда Бу-хородан топилган ва XIII асрга доир бўлган «Хоразм мусиқа ҳаётн» номли қўлёзма ҳам бу фикрни тасдиқлади. Мутгуллар истилоси Хоразмнинг маданий ҳаётига жуда катта зарар етказди.

XVIII аср охири ва XIX аср Хоразмда мусиқа маданиятининг ривожланишида алоҳида босқич бўлди. Бу даврда Хоразмда мусиқа маданиятининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган, уни бойитган ва юқори пагонага чиқиб олнишида ўз ҳиссасини қўшган шонрлар, бастакорлар, ижрочилар, мақомчилар ва достончилар етишиб чиқди. Мунис, Огаҳий, Баёний, Комил Хоразмийлар бу қўҳна санъатининг сайқал то-пиши ва такомиллашувида муҳим рол уйнадилар. Айниқса, Сайд Муҳаммад Раҳимхон Соний ўз саройига ўша даврнинг машҳур бастакор ва ижрочиларни тўплаб, мақомчилар мактаби яратишга муваффақ бўлди. Хоннинг ўзи ҳам шеърият ва мусиқа санъати билан шуғулланиб, уларнинг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Сайд Муҳаммад Раҳимхоннинг узи ҳам «Феруз» таҳаллуси билан мазмунли шеърлар ёэди ва ёқимли куйлар басталади. Айниқса, Мунис ва Огаҳий газалларига бағишилаб кўплаб янги куйлар басталади. Жумладан, Феруз «Рост» мақоми чолғу қисмига «Сайқали Феруз» куйини ва яна 14 та янги куй ва қўшиқлар яратди. Феруз саройида Худойберди устоз, Ниёзжонхўжа, Мақсумжон қози, уста Муҳаммаджон таибурчи, Абдусаттор Мақсум Хўжа каби мусиқа ва мақомчилик санъатининг етук ваки ҳлари ижод қилдилар. Шу даврда яшаган шоир Ҳасанмурод Қори Лаффасий ўзининг «Тазкиран шуора» асарида тубандагиларни ёзиб қолдирган: «Аянинг замонида (Феруз) адабиётчи, шоир, ёзувчилар тараққий қилиб, оларга доги тарбиялар қиладур. Феруздаги мусиқага доги ҳаваскор бўлгандин. Комил Паҳлавон Мирзо бошига фармон қилиб, олти ярим мақом тамбуруга катта бир нота тақлиф қиладур.... Ферузнинг ҳузурида доимий етти, сак-киз нафар гўянидалар, танбур, гижжак, буламон машқ этиб ўлтурадурлар. Масалан, Муҳаммад Ҷӯб харрот Девон ва Муҳаммад Ҷӯб позачи, Аваз дорчи кабилар. Буломонга Қа-

идар дўймас деган. Полвон уста кабилар ҳамиша Феруз хизматида тайин бўлганидек, бошқа сипоизодаларнинг баъзни ларига доҳил бўймас эди. Феруз саройидаги созандаларнинг хизмати туфайли Хоразмда шашмоқомнинг ўзига хос йўналиши майдонга келди. Улардан Худойберди устоз қадимги 12 мақомни мукаммал билган ва кўпгина шогирдлар тарбиялаб етиштирган бастакорлардан эди. Моҳир созанда ва мусиқа назариясининг стук билимдонларидан бўлган. У Хоразм ва Бухоро мақомларини пухта эгаллаган. Ниёзхўжа «Сайқали Ниёзхўжа» деб номланган мақом куйини басталаган.

Хоразм мусиқа санъатининг ривожига Комил Хоразмий катта ҳисса қўшди. У танбур ва гижакда мақом куйларини шундай моҳирлик билан ижро этканки, унинг қобилиятига ҳатто Ферузнинг ўзи ҳам таҳсиллар ўқиган. Комил Хоразмий Ферузнинг топширигига мувофиқ Хоразм мақомларини қозозга тушириб. «Хоразм танбур чизиги» (нотаси)ни ихтиро қилди. Бу чизикка «Рост» мақомининг бош қисмини ёзган. Ўғли Муҳаммад Расул (тахаллуси Мирзо) отаси бошлаган ишни давом этириб, Шашмақомнинг қолгай ашула ва чолгу йўлларини ёзib тугаллаган. Комил Хоразмий бундан ташқари, яна Шашмақомнинг «Мақоми Рост» қисмига ўзи яратган «Мураббаи Комил» ва «Пешрави Феруз» куйларин басталади ҳамда уларин нотага тушириди. Шу билан Хоразм мақомчиллик санъатини янада юқори поғонага кўтарди.

XIX аср охири XX аср бошларида Хоразм мусиқа ва мақомчиллик маентабиннинг сафи Муҳаммад Ёқуб ва Матюсиф Ҳаррот, Сафо Муганий, Худойберган Муҳиркон, Сайд Файзулла, Ҳожихон Болта ўғли, Муҳаммад Раҳим Ёқуб ўғли каби бастакор мақомчилар билан тўлди. Хоразм мусиқа санъатининг ривожлантаришда уларнинг ҳам муносаб ҳиссалари бор. Вахшилардан Аҳмад Бахши, Қурбон Бахши, Бола Бахши кабилар, хотин-қиз халифачилардан Хоним сувони, Шукур Оллоқулихон қизи ва Ожиза (Анабиби Отажонона) каби соэндалар ҳам мусиқа ва ижрочилик соҳасида тукрат қозонган.

Шундай қилиб, XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм ва Хиванинг маданий ҳётида улкан бурилиш даври бўлди. Шу даврда маданиятимиз газинасига бебаҳо ҳисса ўтишган машҳур алломалар, тарихчи олимлар, шоирлар, таржомочилар, мусиқа ва ижрочилар стишиб чиқди. Улар

томонидан яратилган маънавий бойлик мустақил Республика
камизнинг маънавий юксалишига хизмат қилмоқда.

З. ХИВАНИНГ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ, ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЮКСАК НАМУНАЛАРИ

Хоразм қурилиш ва меъморчилик санъатининг энг қадимданоқ тараққий этган марказларидан ҳисобланади. Хоразм воҳасида Амударёнинг ўнг ва сўл соҳилларида Тупроқ қалъа, Аёз қалъа, Қўйқирилган қалъа каби қадимий қалъа ҳаробалари. Хива. Ҳазорасп ва Қўхна Урганчдаги шу кунимизгача сақланиб келган тарихий обидалар буни яққол тасдиқламоқда.

Хиванинг меъморий ёдгорликлари қўхна тарихининг узоқ минг йилликларига бориб тақалади. Лекин шаҳарнинг антик ва илк ўрта асрларга доир меъморий ёдгорликлари бизгача этиб келмаган. Шу сабабли Хивадаги тарихий-меъморий ёдгорликлар ХУП-ХУШ асрларда айниқса, XIX ва XX аср бошларидан бунёд этилган ёдгорликлардир. Ана шу тарихий меъморий обидалари ўзининг ниҳоятда гўзаллиги, мустақамлиги ва муҳандислик асосида аниқ режалаштирилганлиги ҳамда Хоразмга хос ўймакорлик ва кошинкорлик санъати билан сайқал топғанлиги билан алоҳида ажралади. Зеро, уларда Хоразмнинг узоқ ўтмишдаги меъморчилик санъатининг нодир анъаналари янги мазмун билан бойитилган ва ривожлантирилгни. Хивадаги меъморий ёдгорликлар Хоразм ва Хива усталари, ўймакор наққошлари санъатининг юксак маҳоратидан далолат беради. Улар ўзларининг бетакрор санъати билан жаҳон тарихида ёрқин из қолдирдилар, кишилик цивилизацияси равнақига бебаҳо ҳиссасини қўшдилар. Дарҳақиқат, азм шаҳар Хивадаги ҳар бир тарихий — меъморий обида бетакрор санъат асари ҳисобланади. Бу ҳақда юртбошимиз И. А. Каримов ўзининг Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан сўзлаган сермазмун нутқида шундай деган эди: «Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умуминсоний цивилизация учун ҳам хизмат қиласди. Ичон қалъа ва Дешон қалъадаги меъморий ёдгорликлар, мадрасалар ҳалқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган юксак салоҳияти, нафис маҳоратига, миллий маданиятимизга қўйилгани бебаҳо ёдгорликдир». Бу жуда ўринли ва ҳолисона берилгай баҳо. Хивадаги аввалдан бунёд этилган тарихий ёдгорликлар қайта қурилиб, тамирланиб, янги-янги қурилиш билан бо-

птиций бутун бир меъморий қурилишлар мажмуасини ташкил этди. Хиванинг тарихи обидалари орасида унинг мудофаа истеҳкомлари, қалъа деворлари алоҳида аҳамият касб этди. Умуман Хива қалъасининг тузилиши Ўзбекистоннинг ўрта дар шаҳарлари тузилишига эга. Шаҳар чеккасида (хўкмдор қароргоҳи), сунгра Шаҳристон (ички шаҳар) ва работ, яъни ташки шаҳар шаклида бино қилинган. Уларни атрофи қадимданоқ мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Хиванинг ҳовиргача сақланиб келаётган Ичон ва Дешон қалъа деворлари 1842 йилда Оллоқулихон томонидан бўлиб, унинг атрофи эски ўринда қалин пахса девор билан ўраб олинган. Ичон қалъа жанубдан шимолга ҷузилган тўғри бурчакли, унинг майдони 650x400 м ёки 26 гектарни ташкил затди. Шаҳар ичкариси икки кӯча билан 4 қисмга ажралган. Шаҳарда хоннинг қароргоҳи, маъмурӣ ва диний бинолар жойлашган. Бу ерда ҳон ва унинг оиласи, қариндош - уруглари, амалдорлар, бадавлат оиласлар, савдогар ва ҳунармандлар, юқори мартабадаги руҳонийлар яшаган. Хиванинг Ичон ва ташқари қалъасида ҳам аҳоли кенг жойлашган. XVI—XVII асрларданоқ аҳолининг бир қисми қалъа ташқарисига келиб жойлашган. Дешон қалъа аҳолиси ҳам савдогарлар, косиблар, сарой хизматчилари, кунликчилар ҳисобига кенгайиб борган.

Шаҳарнинг Ичон ва Дешон қалъаси кўчаларга, маҳаллаларга ажралган, улар ҳунармандчилик касбига қараб юритилган. Маҳалла марказида масҷит ва минора бўлган. Ичон ва Дешон қалъанинг ўраб олган мудофаа деворлари ўзига хос услубда қурилган. Улар пахсадан қурилган бўлиб, пастки қисми эса хом гиштдан тикланган. қалъанинг баландлиги 9-10 метр, кенглиги пастдан 5-6 метр. Қалъа деворлари аниқ муҳандислик режаси асосида ниҳоятда мустаҳкам қурилган. Қалъа девори икки томондан тик кўтарилиган, ташки томони эса анча қиёроқ. Деворнинг тахминан ҳар 30 метрида ташқарига ёйсimon бўртиб чиқкан буржларি бор. Девор ва буржлар, ўз навбатида, шинакларга эга. Ичон қалъадаги баланд девор буржларнинг кўпчилик қисми ҳовиргача сақланган. Улар ўрта дар мудофаа иншоотларишиб энг иодир ёдгорликларидан ҳисобланади. Лекин Дешон қалъанинг мудофаа иншоотларидан айrim жойларигина сақланниб қолган. Ичон қалъа чор атрофи билан 4 та дарвоза бедан боғланган бўлиб, уларнинг ён томонлари пишиқ

гишт билан мустаҳкамланган. Қалъанинг шимолий қисмиде Богча дарвоза ёки Урганч дарвозаси. Гарбий томонида Ота дарвоза, шарқий томонида Полвон дарвоза ёки Ҳазо, расп дарвозаси. Жанубида эса Дош дарвоза ёки Құхна бозор дарвозаси бўлган.

Дешон қалъа деворининг узунлиги 5-6 км. Дешон қалъа Мұхаммад Амин Иноқ замонида шимолга ва жанубга томони анча кенгайтирилган. Туаржойлар қалъани шимолий-шарқий, шарқий ва гарбий томонларида жойлашган. Дешон қалъа сувга сероб бўлганидан, айниқса, унинг гарбий қисмиде дараҳтзорлар ва боғ-ролгар кўп бўлган. Экинзор ва боғзорлар хонга ва унинг яқин аёнларига қарашли бўлган. Дешон қалъа атроф билан буржлари пишиқ гиштдан ишланган 10 та дарвоза орқали боғланган. Дарвозаларни тегаси кўнгирали, бурж белбоглари эса ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Дарвозаларнинг олд томонида катта бозор бўлган ва яна тўй-томушалар ва сайиллар ўтказилиб турилган. Дешон қалъа дарвозалари тубандагича номланган. Қуша дарвоза. Ясавул боши дарвозаси. Гандумён дарвозаси. Ҳазорасп дарвозаси. Қумесқа дарвозаси. Тоза боғ дарвозаси. Ангнариқ дарвозаси. Шойимардон дарвозаси. Шайхлар дарвозаси ва Жалил эшон дарвозаси. Уларнинг кўпи қулаб кетган. Шулардан бизгача фақат Қуша дарвоза ва Қўй дарвоза Ҳазорасп дарвозалари сақланиб қолган. холос. Шимолдаги Қўша дарвоза орқали Хива Урганч шаҳри билан боғланган.

Хиванинг сув таъминоти ҳам узига ҳос равишида ташкил қилинган. Жумладан, Ичон қалъа баландда жойлашганлигидан унинг аҳолиси қудук ва сардоба (табиий чашма) сувлари билан таъмин этилган. Дешон қалъа аҳолиси булса, ариқлардан ва ҳовузлардан сув ичган. Дешон қалъа *атрофидан ёйсимон шаклда Сирчали ариқ оқиб ўтади. Сирчали ариқ қалъанинг жануби-гарбидан шимоли-шарққа томон кесиб ўтади ва тармоқларга ажralиб ўтади. Қалъанинг шимолий томонидан Полвон ёп ариқи, жанубидан эса Заҳкаш ариқи оқиб ўтади. Ана шу ариқлар Полвон ёп каналидан сув олган. Шу канал орқали Хивагача ҳатто юк ортилган кемалар қатнаган. Дешон қалъада гузор аҳолисини ёзнинг ҳароратли иссиқ кунларидан сақланиш учун ҳамда қишида сув билан таъмин этадиган маҳсус ҳовузлар ковланган. Бу ерда 14 та ая ани шундай

дай ҳовузлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ярим гектарга ча шайдонни эгаллаган. Дешон қалъадаги ҳовузлар тубандагича номланган: Ота ҳовуз, Боғча ҳовуз, Бол ҳовуз, Тўрт Шабоз ҳовузи, Абдал бобо ҳовузи, Бей ҳовуз, Бозор ҳовуз, Дешон ҳовуз. Читкор ҳовуз кабилар. Юқоридаги 6 та ҳовуз ҳовури ҳам мавжуд бўлиб, қолгаиилари эса йўқ бўлиб кетган. Ушбу ҳовузлар Польон каналининг Сирчали ва Хумбоз ариқларидан сув олган. Ҳовуз атрофига экилган чини гужумлар мажнунотлар ва буй тераклар бу ерни хушманзаралийларга айлантирган. Ҳовуз атрофлари ёз фаслида шаҳар адолисининг дам оладиган ва ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ жойлари бўлган. Хива қалъасида тозаликни сақлаш масаласи маҳаллий ҳукмдорларнинг диққат-эътиборида бўлган. Заҳ сувлар, ёмғир сувлари ва ифлосланган сувлар ер остидан тортилган махсус сопол қувурлар орқали қалъанинг шимолий-ғарбий томонидаги заҳкашларга чиқариб юборилган. Жамоат бинолари, хон саройлари, масҷит ва мадрасалар остидан ана шундай сопол қувурларнинг тортилганлиги Ичон қалъада ўтказилган археологик тадқиқотлар билан тасдиқланди. Хивадаги меъморий қурилишларнинг барчаси маълум мақсадни кўзлаб қурилишдан ташқари, уларни безашда ўзинга хос усуллардан фойдаланилди. Бу мемъорий ёдгорликларнинг ҳар бири ўзининг гўзаллиги, бир бутунилиги, қисмларнинг бир бирлари билан мустаҳкам boglаниб кетганлиги ҳамда мутаносиблиги билан диққатга сазовор. Хивадаги кўпчилик тарихий биноларнинг пештоқлари ва хоналарнинг ички деворлари гул барглари ва турли геометрик шакллар туширилган ранг-баранг кошинлар ва ўйма нақшлар билан безатилган. Уларнинг айримлари Паҳлавон Маҳмуд, Мунис ва Оғаҳий ғазаллари ҳамда Қуръондан ва ҳадислардан олингач ҳикматомуз сўзлар битилган эпиграфик ёзувлар билан безатилган.

Ичон қалъадаги ана шундай Қадимий нодир меъморий ёдгорликлардан бири Шайх Саид Олловудин ва Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари ҳисобланади. Саид Олловуддин мақбари XIV асрга доир меъморий ёдгорликларданadir. Бу мақбари Хиванинг машҳур шайхи Саид Олловуддинга (вафоти 1302 й.) атаб унинг шогирди Амир Кулол томонидан бунёд этилган. Икки хонадан, яъни гурхона ва зиёрат хонадан иштирек бўлган бу мақбара устки томонидан гумбаз билан қонсанган бўлиб, хоналарининг ички томони кошин парчала-

ри билан безатилган. Ана шу мақбаранинг жанубий томонида яна бир саллобатли ёдгорлик—Паҳлавон Маҳмуд мақбаси мажмуаси қад кўтариб турди. Бу мажмуя XI—XIX асрлар мобайнида шаклланган бўлиб, у нафақат ^{Урга} Осиёда, шунингдек, бутун Шарқ оламида меъморчилик санъатининг энг нодир ёдгорликларидан ҳисобланади. Бу комплекс Хиванинг машҳур ҳайёмшунос шоири, файласуфи, заbardast паҳлавони ва моҳир ҳунарманди Паҳлавон Маҳмуд (1247—1327 й.) мақбаси устида қад кўтарган. Мақбара дастлаб шоирнинг гарифона кулбаси ўринида шогирдлари томонидан ҳом гишт ва синчкари усулда оддийгина кўринишда бунёд этилган. Кеёнинчалик XVIII асрда Шоҳниёзхон даврида бу мақбара қайта қурилгач ва таъмирланган. XIX аср биринчи ярмида Муҳаммад Раҳимхон I ва Оллоқулихон замонида эса Паҳлавон Маҳмуд мақбаси пишиқ гиштдан бир қанча қўшимча иморатлар маҳбобатли қилиб батамом янгидан қурилди ҳамда у бутун бир меъморий мажмуя ҳолатига келтирилди. Унинг атрофида қурилган барча иморатлар ранг-баранг кошинлар билан безатилди.

Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуаси ўз таркибига мақбарадан ташқари яна зиёратхона, қишки ва ёзги масчит, хонақоҳий, қорихона унча катта булмаган мадраса, кўзи ожизлар ётоқхонаси, хон оиласининг хилхонаси ва бошқа иморатларни ўз ичига олади. Айниқса, зиёратхона ўзининг мутносиблиги ва ниҳоятда гузаллиги билан ажralиб турди. Зиёратхона гумбазининг устки қисми феруза ранг кошин саполчалар билан қопланган. Гумбазнинг ички томони ва бино деворлари турли рангдаги кошинлар ва ўйма нақшлар билан ниҳоятда моҳирона зийнатланган. Марказий бино ичидаги Хива хонларининг даҳмалари бор. Бинонинг марказий қисмида Муҳаммад Раҳимхон I нининг саҳанаси бор. Унинг чап томонидан олизи ва буюк давлат аъобби Абулғозий Блҳодирхон ва ўғли Анушаҳоннинг саҳаналари жойлашган. Ҳовлининг чап томонида қурилган алоҳида бинода Асфандиёрхон оиласи учун мўлжалланган З та сахана бор. Улардан биттаси бўш жасад қўйилмаган. Бу саҳанини ўзига мўлжаллаган эди. Исфандиёрнинг Дешон қатъда фожиали ғулимидан сўнг, унинг жасади бу ерга қўйилган эмас. Зиёратона деворининг юқори қисми Паҳлавон Маҳмуд нинг форсий газаллари билан зийнатланган. Паҳлавон Маҳмуд

уақбараси атрофларига құнғиротлар сулоласидан бұлган Хи-
ва хонларнинг мақбараси атрофларига хонларнинг қабрлари
құйылған.

Ана шу мажмуадаги биноларнинг әшиклари үйма нақшлар
ва чиройли мис қопламалар билан безатилған. Умуман, Паҳ-
лавон Маҳмуд мажмуаси Хоразм ва Хива усталарининг юк-
сак маҳоратидан нишонадир. Үрта Осиёдеги меъморчилик
санъетининг ажайиб ёдгорлиғи бұлған ана шу мажмуасини бун-
дегү атишда уста Одина Мұхаммад Мурод Ҳазораспий, уста
Нодир Мұхаммад, уста нақош Нормуҳаммад, уста Мұхаммад
Пано, уста Сұфи Мұхаммад, уста нақош Абдуллажин ва
бошқалар иштірок етген. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хо-
разм меъморчилик санъетининг жаңонга машұр ёдгорликла
риданадир.

Хивадаги меъморий обидалар ичида мадраса ва масчى
алоҳида үрин тутади. Мадраса ва масчитлр мусулмон олами-
нинг илм-фан, маърифат ва маданият масканлари бұлған.
Улар, аввало, ёшларга илм үргаттган ва яна ёшларни умумин-
соний қадрнятлар руҳида тарбиялаган. Умуминсоний ва
маданий қадрнятларни сақлаб қолища, уларни авлоддан ав-
лодга етказиша ҳам диний муассасаларнинг алоҳида хиз-
матлари бор. Мусулмон олийгоҳлари ҳисобланған мадраса-
ларда диний билимлар билан бирга, ёшларға дүнёвий билим-
лар—тарих, география, тил ва адабиёт, мантиқ, математика,
астрономия ва бошқа илмлар үргатылған. Хива мадрасалари
даргоҳида диний ва дүнёвий билимларнинг етуқ олимлари ва
уламолари етишиб чиқкан. Ичонқалъадаги ана шундай мадра-
салардан бири Арабхон мадрасасы эди. Бу мадраса 1616 йыл
да Араб Мұхаммадхон томонидан пойтахтнинг Хивага күчи-
ріліши муносабаты билан қурилған зәг күхна мадрасалардан-
дир. Даставвал мадраса бир қаватли бұлған. Оллоқулихон уни
нишінің гиштдан икки қаватли қылғынан янгидан бунед әтган,
мадрасага пештоқ орқали кирнлади. Буржалари минора— гул-
ластили. Мадрасамынг шимолий-гарбий томонида масчит жой-
лашған. Мадрасаның пештоқлари оддий, безатилмаган. Ле-
нен шунға қарамасдан Арабхон мадрасаси үзининг юксак са-

лобати, ихчамлилиги ҳамда мутаносиблиги билан алоҳида эътиборни ўзига жалб этади.

Ичон қалъадаги салобатли меъморий ёдгорликлардан яна бири Анушахон ҳаммоми ва масчити (Оқ масчит) ҳисобланади. Бу ёдгорликлар Абулғозий Баҳодирхон томонидан ўли Анушахонга атаб қурилган. Ҳаммом хоналари уст томонидан гумбазлар билан ёпилган. Ҳаммомнинг икки томони ечинадиган ва чўмиладиган хоналардан иборат. Чўмиладиган хоналари иссиқ сувли ҳовуз атрофида жойлашган. Унинг марказий хонасида совуқ сув сақланадиган ҳовузи бор. Ҳаммом хоналари ер ости қўвурларидан ўтган иссиқ хаво ёрдамида йиздирилган Анушахон ҳаммоми шарқона услубда қурилган. Зининг кўп жиҳатлари билан Бухоро ҳаммомларига ўшашади. Хивада XVIII-XIX асрларда учта катта ҳаммом ва ина мадрасалар қошида ҳам ҳаммомлар фаолият кўрсатган. Умумин Хивадаги ҳаммомлар шаҳарда маиший хизматни нақдар юқори даражада ташкил этилганлигини тасдиқлайди. Оқ масчит Анушахон ҳаммоми билан деярлик бир вақтда қурилган. Масчит баланд супа устига қурилган бўлиб. Унинг уч томони устунили айвонлар билан ўръеб олинган. Бу масчитга алоҳида кўриниш баҳш этади. Масчитнинг устки томони баланд гуя баз билан қопланган. Масчитнинг ташкини ва ички томони гана билан суволтган, эшчиклари эса гулдор ўйма нақшлар билан чиройли безатилган. Оқ масчит Оллоқулихон томонидан 1838-42 йилларда қайта қурилган ва таъмириланган. Уни та қуришда ва безашда хивалик устайлардан уста Нурмуҳаммад ва уста Қаландарлар алоҳида маҳорат кўрсатганлар.

Хиванинг гарбий дарвозаси ёнида бунёд этилаган санъат ёдгорликларидан бири хоннинг Қўҳна Арк саройидир. Қўҳна Арк саройи атрофи баланд ва мустаҳкам девор билан ўръеб олинган ўзига хос ўрта аср қурғонини эслатади. Мунисини таъкидлашича, Қўҳна Арк саройи Анушахоннинг ўли Аранг хон (1687-1689 н) замонида бунёд этилган. Бу ерда ўша дақида хон сарояни ва ҳуқумат маккама ҳарининг бинолари ҳамда омборхоналари бўлган. Бу сарой хоннинг Тошҳовли саройи қурилгандан сунг Қўҳна Арк деб юритила бошлади. Унда и кўпгина иморатлар Нодиршоҳ истилоси билан вайрон этилган. Қўҳна Аркдаги ҳозирги иморатлар XIX аср бошларида Оллоқулихон замонида янги режа асосида қурилган иморат дандир. Қўҳна Арк мажмуаси кўринишхона, ишратхона сарой

амалдорлари маҳкамаси, пул зарбхонаси, ёзги масчит, қурол асладонаси, милтиқдори (порох) устахонаси ва бошқа бинола тан иборат. Яна бу ерда қоровулхона, омборхона, ошхончи зинидон ҳам жойлашган. Күхна Арк саройи баланд ва мустаҳкам девор билан ўраб олинган, шу билан Ичон қалъадан ажралиб турди. Хон кўринишхонада арз сўраган. Аркнинг шимолий гарбий томонида Ошиқбобо кўшки жойлашган бўлиб, шу тепаликда шаҳар томонга қараб хоннинг иккни қаватли ёзиони қурилган. Бу жой ўз навбатида, хоннинг назорат пункти вазифасини бажарган. Кўхна Аркдаги ҳар бир иморат режи асосида қурилиб, жуда чиройли қилиб безатилган. Жумладан кўринишхона олдидаги иккни устунли катта ва баланд айвон рангдор кошин сополчалар билан безатилган. Ҳашаматли айвон ортидаги бинода хоннинг кумуш қопламали тахти, давлат хазинаси ва хон кутубхонаси жойлашган. Хон саройи ганчдан ўйма нақшлар билан безатилган. Иморатларнинг томи қизил ранг билан чиройли қилиб безатилган.

Кўхна Арк саройдаги иморатларни қуриш, таъмирлаш ва чиройли нақшлар билан зйнатлашда Хиванинг машҳур устаридан уста Муҳаммад, уста Ибодулла ва Абдуллажонлар иштирок этганлар.

Кўхна Аркнинг шимолий қисмида Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) нинг ҳароми жойлашган. Аркка қўшилиб кетган хон шиг ҳоромхонасида хон ва унинг оиласига қарашли иморатлар ва айвонлар жойлашган. Хоналарнинг ички томонлари ўйма ганчкор накшлар билан чиройли безатилган. Айвондаги баланд устунлар мармардан ишланган асосларга ўрнатилган. Улар ўйма нақшлар билан айвон деворлари эса раингдор сопол қопламлар билан безатилган. Умуман, Кўхна Аркдаги Феруз ҳоромхонасидаги меъморий ёдгорликлар кошин бе зиктар устунлардаги дарвоза ва эшиклардаги ўйма нақшлар ўзининг нозиктиги ва ниҳоятда гўзаллиги билан кишини лола подиради. Уларда Хива меъморларининг бетакрор санъати ўз аксини топган.

Ичон қалъадаги Шерғозиён мадрасаси (1719 й), Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси (1785 й) ва Жума масчит (1789 й) VIII асрда бунёд этилган ноёб меъморий ёдгорликларни дар. Жума масчит Муҳаммад Амин Иноқ фармони билан эсни ўрнида қайтадан қурилади. Бу масчит ҳақидаги маълумотлар X асрда араб тарихчиси томонидан тилга олинади. У

бир неча марта қайта қурилган ва таъмирланган. Охирига ма-
та XVIII аср охирида қурилган. Жўма масчит ўзига хос мез-
морий қурилишлардан ҳисобланади. У гумбаз ва хоналарси-
равоқсиз иморат. Масчит тўрт бурчакли бўлиб, майдони узу
насига 55 метр ва энгига 16 метр. Масчит миниорасининг ба-
ландлиги 32 метр. Масчит Жўма номозида бир неча минг ки-
шига мўлжалланган. Масчит атрофи гишт девор билан ўрај
олинган ягона хонақоҳ ва айвондан иборатdir. Масчитнинг
текис шифтини 213 та устун кўтарниб туради. Жўма масчит
ўзининг қурилиш услуби жиҳатидан Хоразмиинг кўхна пойтади.
Мари Кот ва Кўхна Урганичдаги маҳобатли жомеъ масчитлар
га ўҳшатиб қурилган бўлишилиги мумкин. Академик Иҳё Ғу-
ломовнинг таъкидлашича. Жўма масчитдаги устунлардан 21
таси жуда қадимийдир. Улар X-XII асрларга тааллуқли. Ам-
шу устунлар Кот ва Кўхна Урганичдаги жомеъ масчитлар ма-
дум сабабларга кўра вайрон бўлгандан сўнг Хивага олиб кет-
тирилган.

Жўма масчит Оллоқулихон фармони билан қайта қурилган
ва таъмирланган. Масчитнинг деворлари ганч билан сувотган
Унинг оралиқ деворларига қора ва қизчл рангли безаклар
рилган. Масчитнинг эшик ва устунлари ҳақиқий санъат асар
ларидир. Утърининг ҳар бирин юксек дид билан ишланган. Уй
ма нақшлар билан безатилган. Устунларнинг кўичилиги XVI
ва X, X асрларга тааллуқли. Улар хоразмий ёғоч ўймакор
усталарнинг нағиб са бетак ор санъатининг ёрқин намунала
ридир.

Ичон қалъадаги Шарқ меъморчилик санъатининг энг но-
ёр ёдгорликларидан яна бирин Тошҳовли саройидир. У Олло-
қулихон фармони билан бунёд этилган жуда мураккаб қури-
лиш ҳисобланади. Сарой турли мақсадларга мўлжалланган.
унда жами 134 хона ва яна 8 та катта кичик айронлар мав-
жуд. Улар бир-бирлари билан ички йўлаклар орқали бирлаш-
ган. Тошҳовли саройи саралangan пишиқ гиштдан 10 йил
(1830-1839 й.) мобайнида қурилган. Сарой меъморий жиҳат
дан жуда оқилона барпо этилган бўлиб, ундаги ҳар бир хона
ѓиз вазифасига эга. Бу ерда хоннинг ишхонаси, ишратхона
(меҳмонхона), арзхона, сарой девонларининг маҳкамалари,
хон ва унинг оиласи, қариндош-уругларининг тураржойлари,
ҳукумат ҳазинаси, омборхона, қоровулхона ва бошқа иморат-

зар жойлашган. Тошқовли саройининг атрофи баланд ва мустаджам кунгирали девор билан үралган бўлиб, ташки кўришини жиҳатидан баҳайбат ўрта аср қўргонини эслатади.

Саройининг жанубидаги ҳовлилар атрофида бир устуни баланд айвонлари бор. Орқада уларга туташ қилиб ҳашаматни иморатлар қурилган. Шулардан бири меҳмонхона, иккинчи ётоқхона. Улар жуда чиройли безатилган. Шуларнинг олд томонида қатор қилиб икки қаватли иморатлар қурилган. Иккинчи қаватида ҳовли томонга қараб турган тўғри бурчакни айвонлар бор. Саройдаги хоналар ва айвонларнинг ички деворлари гиламсимон нақшли кўк-яшил, оқ-кора ва феруза ганг кошинлар билан бизатилган. Биноларнинг шифти чиройни ҳовузали қилиб ишланган ва улар қизил рангдор буёклар билан безатилган. Шунингдек, саройининг эшиклари, дарвозалари, айвонлардаги устунлар, улар остидаги мармар асослар турли геометрик шаклдаги ўйма нақшлар билан безатилганини. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бетакрор санъат асаридир.

Тошқовли қурилишида Хоразмнинг машҳур уста ва нақшларидан Нурмуҳаммад, уста Тожи, уста Қаландар Хивасий, уста ва нақюш Абдуллажиқ ва бошқалар иштирок этган. Тошқовлидаги меъморий ёдгорниклар ўзининг бениҳоят гўзаллиги ва пухта ечими билан ажралиб туради. Улар Хива усталарининг нозик ҳунари, бетакрор санъати, юксак маҳорати, билим ва тажрибасини жаҳонга намойиш этиб турибди.

Оллоқулихон замонида бунёд этилган ажойиб меъморий сидалардан бири Карvonсарой мажмуасидир. Карvonсарой ва Тим (ёпиқ бозор) 1832/38 йилларда қуриб тугалланган Пишиқ гиштдан шарқона услубдо қурилган бу маҳобатли меъморий мажмуя 14 та гумбазли бозор-тимдан, карvonсарой ва омборхоналардан иборат. Бу мажмуя Хоразм усталарининг юксак маҳоратидан дарак беради. Кўп гумбазли тим-ёпиқ бозор узунасига шарқдан гарбга қараб қурилган. Тимнинг марказий гумбази баландлиги уч қаватли уй баландлигига бўлиб, ундан чап томонда Карvonсаройга ўтилади. Тимнинг ён томонидаги расталарда ўстдан келтирилган моллар сотилган. Жумладан, бу ерда Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Россия, Бухоро ва Кўқон хонлигини келтирилган моллар билан савдо қилинган. Тим ёзда севдо-сотиқ учун жуда қулай ва салқин жой эди. Тимнинг

чап томони Карвонсарой билан туташади. Карвонсарой мажмусаси ғүрги бурчакли бир текис иморат, олд томониди ҳовлиси бор. Карвонсарой иккى қаватли, 105 ҳужралы бино бўлиб, унинг пастки қавати омборхона ва юқори қавати эса хорижлик савдогарлар учун жуда қулай меҳмонхона вазифаси ни бажаргай. Карвонсаройга кираверишда пештоқи бор. Ҳовлиниг марказий қисми пастроқ қилинган, бу юкларни тушаришда ва омборхоналарга жойлашда қулайлик туғдирган. Омборхоналардаги моллар ёнидаги ёпиқ бозор расталарига чиқарилаб сотилган. Карвонсарой ватим ўзининг меъморий нурилиш услуги жиҳатидан жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тошховли ва Карвонсарой яқиниди Оллоқулихоннинг салобатли мадрасаси қад кўтариб туради.. Мадраса пишиқ гиштидан 1833/35 йилларда қурилган. Мадраса иккى қаватли, 99 ҳужрали. Унинг пештоқлари кўк-яшил ва оқ-қора кошини сополчалар билан безатилган.

Ичон қалъадаги муҳташам меъморий қурилишлардан яна Сири Кўҳна Арк яқинидаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минорадир. (1852/55 й) Бу иккала ёдгорлик Муҳаммад Аминхон фармони билан қурилган. Улар шаҳардаги бошқа меъморий ёдгорликлардан ўзининг ниҳоятда гўзаллиги ва маҳобати билан ажralиб туради. Муҳаммад Аминхон мадрасаси жуда аниқ режалаштирилган, тўрт бурчакли ва иккى қаватли, у 280 талабага мўлжалланган, мадрасанинг ўртасида катта ҳовлиси бор. Қурилиш услуги Хивадаги бошқа мадрасаларнинг үшшайди. Нештоқнинг ҳар иккала тарафига анъанавий гулдаста-миноралар ишланган. Мадраса тарзи бида дарсхона, масҷит ва бошқа қўшимча хоналар жойлашган. Мадраса ўзининг бой кутубхонасига эга бўлган Кутубхонадаги нодир қўлёзма китоблар 1873 йили рус истилочи-лари томонидан Петербургга олиб кетилган. Яна ана шу мадрасада Хива хонлигининг Олий мусулмон суди маҳкамаси жойлашган. Мадрасанинг олд томони анъанавий кўк-яшил кошинлар билан безатилган. Мадрасага хонликнинг турли тумайларидан жами 33 минг ҷаноб ер вақф этилган бўлиб, шу ердан ҳар йили 12 минг ботмон бурдой ва 5 минг тиллагача даромад олинган. Вақф даромади мадраса эҳтиёжлари учун ҳарж этилган.

Мадраса билан бир вақтда унинг ёнида Кўкминор (Калтаминор) қурилиши ҳам бошлаб юборилган эди. Бу минора хон

лик салобатини намойиш этадиган Ўрта Осиёдаги энг баланд ва ҳашаматли миноралардан бўлиши керак эди. Умуман, мусулмон Шарқида бўлганидек, Хивадаги миноралар ҳам динини ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган. Айнан минора тенденциядан атрофдаги осойишталик кузатиб борилган. Ўз нафайдада миноралар энг нодир меъморчилик санъати намунаси ҳам ҳисобланади. Мадраса асосан қуриб тугалланган, лекин Кўкминор қурилиши ниҳоясига етмаган. Муҳаммад Аминхон ишондаги фожеали улеми билан унинг қурилиши тугалланмай колган Миноранинг ҳозирги ҳолатидаги баландлиги 26 метрни ташкил этади, асосининг диаметри 14 метр. Минора ўзининг маҳобатлилиги ва чироғлилиги билан машҳур. Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва Калтаминор Хоразм меъморчилик санъатининг ажойиб маҳорати ўз аксини топган. Минора кўк яшил, оқ ва феруза ранг кошин парчалари билан нақшланган булиб, гарчи у туталланмаган бўлсада, ўзининг бениҳоят гўзаллиги билан киши ақлини лол қолдиради.

Хиваликлар орасида Калтаминор ҳақида тубандаги байт сақланиб қолган:

Мадрасаси битди, минор битмади,

Мадаминор муродина етмади.

Гавда галиб минорада ётиди.

Така бошин олиб Теҳрон кетибди.

Хива шаҳри маърифатпарвар шоҳ Муҳаммад Раҳимхон П (Феруз) даврида бунёд этилган меъморий қурилишлар билан янада гўзаллашди. Унинг фармони билан Хиванинг Ичон ва Дешон қалъасида 20 дан ортиқ меъморий санъат ёнида қад кўтарган эди. Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси (1871 й) Ислом Хўжа минораси ва мадрасаси (1910 й). Нуриллабой саройи ва бошқа иморатлар алоҳида эътиборга лойиқ. Кўҳна Арк олдида қурилган қўш қаватли ва пештоқи кошин билан шашланган бу чироғли мадраса кўҳна шаҳар гўзаллигини яна да кўркемлаштиради. Ичон қалъадаги нодир меъморий санъати асарларидан ҳисобланган Ислом Хўжа мадрасаси, масҷити ва минораси хоннинг маърифатпарвар вазiri Ислом Хўжа (ваф. 1918 й) томонидан бунёд этилган. Бу мажмуа обидала ичидаги алоҳида ўрин тутади. Ўншиқ гиштдан кўтарилган қўш қаватли мадраса олд томондан баланд, унинг ёнида гумбазли хонақаси ҳам бор. Уша жойда қад кўтариб турган осмон ўвар минора деярлик бир вақтда қурилган. Миноранинг

ларга бурнанган. Бинобарин, қишлоқ ҳовлилри дарахта, оғын сидаги хушманзаралы оромгоҳ жойга ўхшайды. Шаҳар ва қишлоқ ҳовлиларидаги дарвозалар, эшик ва устунлар маҳаллий усталар томонидан ўйма нақшлар билан чиройлы безатилған бўлиб, уларнинг ҳар бири Хива ўймакорлик санъатининг по-дир ёдгорлиги ҳисобланади. Ўйма нақшли Хива ашиклари ва устунлари нодир санъат асари сифатида жаҳоннинг кўп давлатларидаги миллий музейларни нодир ёдгорлик сифатида безаб турибди.

Шундай қилиб, очиқ осмон тагидаги музей шаҳар, тарихий-меъморий ёдгорниклар қўриқонаси ҳисобланган Хива мұъжизасининг бири, афсоналарда таъриф этилган шаҳарлардан биридир. Хива асрий ва бетакрор меъморий ёдгорниклар мингниллик маданият ва илкор анъаналар диёридир. Хивадаги бетакрор тарихий ва меъморий ёдгорниклар ўзининг мукаммал лиғи, етуклиги бир бутунлиги, уларнинг бир-бирига мутанносиблиги ва бениҳоя гузаллиги билан ажралади. Шу боисдан улар хорижлик меҳмонларни ҳайратга солмоқда. Улар Хоразм меъморчилик санъатининг ажойиб дурдоналари, мингминглаб аждодларимиз меҳнатининг юксак самарасидир. Хивадаги меъморий ёдгорниклар Хоразм усталари, меъморлари ўймакор наққошларининг кўп асрлик тажрибаси, маҳорати, ақл-заковати ва нозик дидидан гувоҳлик беради. Хоразмда ва Хивада қурилиш ва меъморчилик санъатини юксак пагонага кутарган, юқорида номлари зикр этилган юзлаб-минглаб ажойиб сиймолар етишиб чиқдии, уларнинг табаррук иомлари биз учун азиз ва унүтилмасдир. Улар ўзларининг қалб қўри, ҳалол меҳнати ва ақл-заковати билан бизга мерос қолдирилган меъморий санъат асарлари орқали муқаддас диёр—Хоразмни жаҳонга машҳур қилдилар. Дарҳақиқат, Хоразм ва Хиванинг меъморий маданияти жаҳон маданиятининг ажралмас қисмидир. Шу муқаддас ўлкада етишиб чиқсан олимлар, шоири бастакорлар, меъморлар ва ўймакор наққошлар ўз ижодлари билан жаҳон маданиятини бойитдилар, унинг олға ривожлашилига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Ш—БОБ. ХОРАЗМДА ОДАМЗОД ТАРИХИДАГИ ЯЛК АКАДЕМИЯЛАРДАН БЎЛМИШ МАЪМУИ АКАДЕМИЯСИННИГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Республика Превидентининг 1997 йил 11 ноябрдаги фарм

ни билан Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси қайта
килиниди. Маъмун академиясини қайта ташкил қилинди.
Хоразмининг бой тарихий ашъиаларини чуқур ўрганиш
борасида қилинган энг муҳим қадам бўлди.

Биз бу бобда Хоразм Маъмун академияси фаолияти ҳа-
баби маътумот беришдан аввал Богдоддаги «Байтул-Ҳикма»
бир оз тўхтаталими. Чунки, Хоразм Маъмун академияси
200 йил олдин фаолият курсатган бу академия олимлари
нинг аксарият қисми юртдошларимиз—урта осиёлик олимлар
и умладан, хоразмлик илм-фан аҳли бўлган.

1. «БАЙТУЛ-ҲИКМА»— ДОНИШМАНДЛАР УИИ

IX-XI асрлар Ислом давлатларида кучли юксалиш даври
буади. Бу тарихда «Ислом ренесанси», яъни уйғониш даври
билан машҳур Ӯша даврда Ислом дини мусулмон давлатлари
ни ўзаро яқинлашишида, улар ўртасидаги ўзаро келишмов
чиликларни бартараф этишида, иқтисодий ва маданий алоқалари-
ни ривожлантиришда маънавий таянч вазифасини бажарди.

Халифа Хоруи ар Рашидининг иккинчи угли Абул Аббос
Абдуллоҳ ал-Маъмун 809 йилда отаси томонидан халифалик-
нинг шарқий ерлардаги ношиб этиб тайинланди. Ноиблигининг
поятахти Хурсондаги Марп шаҳри эди. Ал-Маъмун ёзлигидан
илемга уч ва зукко эди. У Марвда давлат ишлари билан
бирга илем-маърифат бобида ҳам катта ишларни бошлайди,
атрофига и имга мойил ёп олимларни тұзаптады. Олимлар
орасида Мұҳаммад ал-Хоразмий. Яҳе иби Абу Мансур, Ҳолид
ал-Марваррудий. Санад иби Али, Аббос ал-Жавҳарий. Яҳе иби
Аксам, Қози Ҳаммод. Аҳмад ал-Марвазий каби буюк олим-
лар бор эдикі. кейинчалик бу уломалар яратган асарлар
дүнә фанининг пойдевори булиб қолди. Отаси вафотидан кейин
Богдод халифаси таҳтини эгаллаган ал-Маъмун 819 йилда
Богдодга ўзи битан бир гуруҳ олимтарни ҳам олиб келади.
Ал-Маъмун Марпдан келган олимлар билан боғдодлик олим-
ларни «Байтул Ҳикма» («Ҳикматлар уйи») деб аталган илмий
муассасасага бирлаштириди. Аввалига бу илмий жамоага мута-
саллий этиб у Яҳе иби Мансурни тайинлади. 829 йили
вафот этганидан сўнг «Байтул-Ҳикма» мудири этиб Мұҳам-
мад ал-Хоразмий тайинланади ва бу ишни у то умрининг охи

ригача давом эттиради. Ал-Хорамий бу ерда урта оснётин олимлардан Аҳмад Фарғоний, Абульвафо Бузжоний, Ибодий, Абу Жаъфар Хурросоний, Абул Фатих Исфироний ал-Марказий ва бошқалар билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб борадилар.

Урта оснётин олимлар «Байтул-ҳикма»нинг фаолиятига шу қадар улкан қувват бердики, чех тарихчи олим Ю. Рушканинг таъкидлашича, бу илмий маскандаги олимларнинг аксарияти Хоразм, Фарғона, Шоҳи ва Хурросондан бўлган. Бу «аксарият»нинг ҳам деярли учдан иккى қисмини хоразмликлар ташкил қилган. Шуниси дикқатга сазоворки, машҳур араб географи ибн Ҳавқал Ҳ аср бошларида ёзиг қолдирган «Пуллар ва мамлакатлар» номли асарида Хоразм минтақасига таъриф беради. Хоразм аҳолисини илмга чанқоқлиги ва зуқколиги ҳақида айттиб кетади. «Ҳозир Богдода хоразмлик иогирди бўлмаган бирорта қози, фақиҳ ёки илм аҳли йўқдир — деб ёзди ибн Ҳавқал.

Ал-Хоразмий раҳбарлигига «Байтул-ҳикма» олимлари жуда кенг миқёсда таржимонлик ишлари билан шуғулланади лар, қадимги Суря, Эрон, Юнон, Ҳинд олимлариниг асарларини араб тилига ағдардилар, осмон ёритгичларини кузатиш билан шуғулланадилар; халифаликнинг турли минтақаларига илмий экспедициялар уюштирадилар. Илмий маскан сифатида Ал-Хорамий ва Ал-Фарғоний ташаббуси билан Богдод яқининида расадхона ва улкан кутубхона ташкил қилинади.

«Байтул-ҳикма» ишларини араб тилига яратган буюк дурдона үнлик саноқ системаси ва математика асосини яратганинг ўзи ҳам «Байтул-ҳикма» академиясининг нақадар буюк бир даргоҳ булиб шаклланганлигини кўрсатади.

2. МА'МУН АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

Ҳарининг охириларига келиб Урта Осиёда саройларга илм аҳлини йигиши, маърифат маънивият масалаларини давлат сиёсати даражасида тутиш одат тусига кириб қолади. Бу борада Хоразмнинг ҳукмдорлари — хоразмшоҳлар алоҳида ўрин тулади. Хоразмда, унинг қадимий пойтахти Катда, (ҳозирги Беруний) 305 йилдан то 995 йилгача афригийлар ҳукм суради.

Лекин 712 йилдан бошлаб Хоразмнинг иккинчи қадими юнга Гурганич араблар томонидан қўйилган амирининг қароргоҳи вазифасини бажаарарди. 995 йили Гурганж Амири Маъмун I ибн Муҳаммад Афригийлар сулоласига барҳам беради. Катда ишларини босиб олади ва пойтакти Гурганжга кучириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қиласди.

999 йили Маъмун I вафот этиб, тахта Али ибн Маъмун унгдан сўнг Хоразмдаги сиёсий аҳвол бир оз барқарор шади. Ўзуни ҳам айтиш керакки, ўша даврларда Беруний маълумотларига қараганда, Хоразм айтарлик катта давлат эмас эди. Унинг ер майдони «60 фарсаҳга 60 фарсаҳни», ўши тахминан 250000 квадрат километри ташкил қиласди ва бой мамлакат эди. Шунинг учун ҳам ўша даврнинг ўйини империялари — газнавийлар ва қорахонийлар давлатлари Хоразмни ўз таъсир доирасига ўтказншга уринар эдилар.

Али ибн Маъмун ана шундай оғир сиёсий муҳитда доно ва зуқко маслаҳатчиларга мустоқади. Унинг баҳтига тогаси, Берунийни устози, Абу Наср ибн Ироқ ўз даврнинг ута билимдон олим эди. У тириклигидәёқ «даврнинг Итоломеди» деган лақабин олган эди. 1004 йилнинг бошида Ибн Ироқ яқлифи билан Беруний Гурганжга қайтиб келади ва Маъмун саронида илм аҳли учун қулаш, шаронит яратилади. Иккى шаҳе яқин ва ўрта шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмада өдилар. Унинг таклифи билан Нишонур, іхалх, Ҷуҳоро ва ҳатто араб Ироқидан кўплаб олимлар ташкилган жадидилар. Шулар қаторида машҳур табиб ва файдалар Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, ал-Хўжандий, кимёгор олим Абдул ҳоким Муҳаммад ибн Абдумалик ас Саодий ва бошқалар бор эди.

Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб, Гурганжда «Дорул ҳикма» ва маориф (баъзи бир маибаларда «Мажлиси уламо») номи олган илмий муассасаса тўла шаклланади.

Бу илмий муассасада худди Афинадаги Плотон академияси, Бөғдоддаги «Байтул-ҳикма» академияси ва изланишлар олиб ризган, жуда кўп маибалар тўплланган, таржимонлик ишлари бажаарилган; Ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрга ташкилган; ал-Хоразмий, ал-Фарғонийларининг ўлмас агаолари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. ХУШХА асрларда тарихчи олимлар томонидан бу илмий муассасаса

дар томондама урганилди ва ўз фаолияти нүктан на арда даврийнинг академияси бўлгани ишботланди. Унга «Маъмун академияси» номи берилди.

Али иби Маъмун вафотидан кейин 999 йилда унинг унаси Маъмун иби Маъмун Хоразмшоҳлар таҳтини эгаллагача, у Бедунчийн саройга яқинлаштиради ва 1017 йилгача Хоразмшоҳнинг энг яқин маслаҳатчиси бўлиб ҳам хизмат қўлади Маъмун академияси фаолияти учун янада кўпроқ имкониятлар очилади.

Уша вақтда академияда Беруний қўл остида 60 га яқин стук олимлар фанинг турли соҳаларнда хусусан, аниқ фанлар— математика, астрономия, физика (риёзиёт), геометрия, (сандаса) медицина (тиббиёт), биология, шунингдек тарих, тил адабиёт, ҳуқуқшунослик ва диншунослик муваккимларни бўйича илмий изланишлар олиб борганилар. Уз илмий катифнётлари оиласи жаҳон фани ривожига бебаҳо ҳисса қушган тубадиги ахлатчиликни анҷаш шу илмий даргоҳда фаолият курсалтилиги маълум: буюк юмусин олим Абу Райҳон Муҳаммад иби Аҳмад, ал-Беруний (973-1948), табиатшунос табиб ва файласуф Абу Али иби Сино (980-1037 й.), буюк астроном Абу Наср Мансур иби Ироқ (958-1034 й.), файласуф табиб ва файласуф Абу Саҳл Масиҳий (970-1042 й.), математик ва астроном Абу Наср Мансур иби Ироқ (958-1034) файласуф табиб на шонир Абул Хайр иби Ҳаммор (942-1018 й.) Абу Абдуллоҳ Шлоҳий, (ваф. 1068 й.), Абу Мансур Ҳаморий, Маҳмуд Ҳамид иби Ҳидр, ал-Хўжандий, тарихшунос олимлардан Абу Али иби Мисканайх (ваф. 1030 й.). Абу Мансур ас-Саолиби (981-1038 й.). Кимёгар олим Абдул Ҳоким Муҳаммад иби Абдурраҳман ас-Салиҳ, ал-Хоразмий, ал-Ҳамдакий. Абу Абдуллоҳ ал-Биян Найсабурий (ваф. 1004 й.) Аҳмад иби Муҳаммад ас-Суҳайли Ал Ҳоразмий (ваф. 1027 й.) Аҳмад иби Муҳаммад аз-Саҳрий (ваф. 1015 й.) Аҳмад иби Ҳамид ан-Найсабурий ва бошқа олимлар бўлган. Проф. X. Ҳасанов ва О. Абдуллаевлар Еқут Ҳаммовий томонидан берилган маълумотга асосланиб, академияда яна 3 нафар ҳоғизтиқ олимларнинг ҳам фаолият курсалтилини таъкидлайдилар. Булар кимёгар олим Абул Ҳоким Муҳаммад иби Абу Малик ас-Салиҳ Ҳоразмий Қосий, Аҳмад иби Ҳамид ан-Найсабурий, машҳур табиатшунос олим абу Абдуллоҳ Ҳусайн иби Иброҳим ат-Таборий ан-Натулий.

Хоразмшоҳ Маъмун II саройидаги олимлар шуҳрати тез орада узоқ ерларга тарқалади. Бу эта шуҳратпараст Маҳмуд Газиевийнинг гашига тегмай қолмасди. У ўюштирган фитна натижасида 1017 йилнинг баҳорида Абул Аббос Маъмун II үлдирилди ва ўша Йилнинг июнида куёви учун қасос олиш махонаси билан Маҳмуд Газиевий Хоразмга бостириб кироди. Кетта киргиллар, талон-тарожлик натижасида Маъмун академияси фаолияти тугатилди ва бу ердаги олимлар асир олиниди тарқалиб кетадилар.

3. МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДА ФАОЛИЯТ КУРСАТГАН ОЛИМЛАР

АБУ РАЙҲОН МУҲАММАД БИН АҲМАД АЛ-БЕРУНИЙ 973 йил 4 сентябрда Хоразмийнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида дунёга келди ўнинг исми Муҳаммад, отасининг исми Аҳмад Беруний эса унинг нисбаси «Берун»—шаҳар ташқариси маъносини билдиради. Абу Райҳон эса унинг лақаби, «Райҳонли киши» маъносида. Уша вақтда Амуният ўнг қиргогидаги Кат шаҳри Хоразмийнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Беруний шу ерда бозлангич ва мадраса таълимийни олиб, буюк олим бўлиб етишиди. Берунийнинг буричини устози ва тарбиячиси ўша даврийнинг машҳур математиги ва астрономи Абу Наср Мансур иби Али иби Ироқ (ваф. 1034 й.) бўлган. Беруний ёшлигидан куп тилларни мукаммал ургангани. Қадимги Хоразм тили, форс, араб, юони, ихудий ва бошқа тилларни билган. У 45 ёшлирида қадимги ҳиндсанскритин ўргангани. Беруний 17 ёшидан бошлаб Кат аттоғида дастлабки астрономик кузатни ишларини олиб бўрган ва буниятни зарур бўлган астрономик асбобларни ўзи ясаған. Олимнинг дастлабки асарлари шу ерда ёзиған. Жумла •Алдамчилик санъати, яъни юлдузлар ҳукмидан оғоҳлантишиши китоби». Яна «Хоразм тарихи» ҳақида ҳам катта китоб ёза бўшлаган.

Хоразмийнинг икки ҳукмдори уртасида ҳокимият учун кураш бошлангандан сўнг 995 йили Беруний 22 ёшида ватанини тарқатиб Эюннинг Раи шаҳрига кетишга мажбур булади. Бу йил олимлар шу жумъядан астрономик асбоблар ихтиёзи Абу Махмуд Ҳўжандий билан ушашади. Йиғи йиғдан яъни 997 йили Катга қайтиб келган. Уша йили бухоролик

Шолим ибни Сино билан хат орқали танишиб, итмий муноралар ўтказган. 998 йили Журжон вилоятининг амири Қобус ибни Вушмагир Берунийни ўз саройига таклиф қилади. Амир унинг илмий ишларига ҳомийлик қилди. Беруний ерда устози машҳур олим Абул Саҳил Масиҳий билан шахиди ва ундан математика ва астрономиядан куп нарсани ўрганди.

Масиҳий ўзининг 12 китобини Берунийга багишлаган Беруния Журжонда жиддий ижодий иш билан шугулланди. У бу ерда ўзининг энг йирик асари «Ал-асар ал-боқия» (Кадимги халқлардан қолган ёдгорниклар)ни ёзиб тмомлаган. Бу асар Қобус Вушмагирга багишланади. Беруний Журжонда 1004 йилгача язшаб ижод қилган. Шу йили Хоразмшоҳ Маъмун ибни Маъмур (999-1017) тақлифига биноан Беруний ўз натанига қайтиб келади. У Гурганижда шоҳ саройига ишга тақлиф этилади. Берунийнинг 1017 йилдан то 1048 йилгача ғана фаолияти Газна шаҳрида, Газиавийлар саройида ўтди. 1017 йили газиавийлар султони Маҳмуд Газиавий Хоразмни истило қилиб, бир гурӯҳ олимлар ва ёзувчилар қатори Берунийни ҳам Газнага, ўз саройи хизматига олиб кетади. Беруний Маҳмуд Газиавий саройида 13 йил илмий ишларни давом эттиради. У жуда оғир ва мураккаб шароитда ишлади. Шу ерда тугалланган дастлабки «Масканлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун жойларнинг чегараларини белгилаш» яъни «Геодезия» асарини 1025 йилда ёзиб тугатлади. Ага олимлар орасида Берунийга катта шуҳнат келтиради. Султон Муҳаммад ўзининг Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришларida Берунийни ҳам ўзи билан бирга олиб юрган. Олим Ҳиндистонининг куп шаҳар ва вилоятларисида бўлган. Умуман, Беруний Ҳиндистон, Ҳурросон ва Шаҳрий Эроннинг 20 дан ортиқ шаҳарларida бўлиб, ўз тадқиқотлари учун зарур маълумотлар туплаган. Ҳиндларнинг қадимий санскрит тилиши ўрганиган. Араб тилидаги асарларни санскрит тилига ва санскритдан араб тилига таржима қилган.

Беруний Ҳиндистон ҳаётини чуқур ўрганиб, ўзининг 80 бобдан иборат машҳур «Ҳиндистон» асарини 1030 йили ёзиб тугаллади. Беруний «Ҳиндистон» асари учун «биринчи ҳиздог» деган номга сағовор бўлган.

Султон Маҳмуд вафотидан кейин таҳтга ўғли Султон Маъ

д (1030-1041) ўтиради. У илм фанга қизиқадиган ҳукмдор эди. Шу боисдан у Беруний ижодига куп имкониятлар яратиб берди. Беруний ўша вақтда ёзиб тугаллаган асарини Султонга багишлади. «Қонуний Маъсудий» деб номлади. 1036 йити тугалланган бу асар астрономия ва ҳамони математикага онд эди. Беруний ҳағининг сўнгги 7 йити Султон Маъсул (1041-1048) даврига тўғри келади. Бу даврда ҳам олим самарали ишлади яна бир неча йирик асарлар ёзиб тугаллаган. Шулардан бирини «Жовоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами», яъни «Минерология» асаридир.

Академия раҳбари Абу Райхон Беруний 152 та асар ёзган. Шулардан 30 таси бизгача етиб келган. Беруний асарларининг 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси географияга ва геодезияга, қолганлари физика, минерология, таърих, адабиёт, филсафа, этиюграфия ва бошқа фэнтартга багишланган. Геодезия ва математика соҳасида унинг илмий асарлари, услубиётлари ҳозиргача ўз кучини йўқотмаган. Ер шарини ҳажмини аниқлаш услуби, қуёш ва ойининг ҳажмлари ердан уларгача масофани аниқлаш услублари жуда содда ва аниқ бўлиб, отимининг кучли анатитик идрок эгаси ва таҳтид қилиш қобилияти юксак эквалигини кўрсатади.

АЛИ ИБН ИРОК.

